Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · “Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini t... DOI: 10.5281/zenodo.24320567

ta´minlasnning ustivor yo¯nalisnlari´´ mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

3."Mikroiqtisodiyot asoslari" — T. Tursunov.
4. "Iqtisodiy nazariyaning asosiy yo‘nalishlari" — Z. Ismoilov.
5. "Iqtisodiy inqirozlar va ularning mikroiqtisodiyotga ta'siri" — Sh. Tursunov.
6. "Mikroiqtisodiyot va makroiqtisodiyot o‘rtasidagi munosabatlar" — A. Azizov.

БАРҚАРОР БАНДЛИК ВА ЮҚОРИ ДАРОМАД ТОПИШГА ЭРИШИШДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Рузиев Ғанишер Усарович,
ТДИУ катта ўқитувчиси, ruziev.ganisher.80@mail.ru

Аннотация: Мақолада аҳолининг барқарор бандлигини таъминлаш, норасмий бандликни легаллаштириш ва юқорида даромад топишга эришиш борасида ўзини ўз банд қилишнинг ўрни ва уларни солиқлар воситасида рағбатлантириш амалиёти таҳлил қилинган. Шунингдек, ўзини ўз банд қилишни янада қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: бандлик, ўзини ўзи банд қилиш, ўзини ўзи банд қилган шахслар, норасмий бандлик, ижтимоий солиқ, меҳнат стажи.

Кириш. Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш, ҳамда ностандарт бандлик шаклларидан бири бўлган ўзини ўзи банд қилиш орқали қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитларни янада кенгайтириш борасида изчил излоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда аҳоли ўзини ўзи банд қилган ҳолда юздан ортиқ фаолият (ишлар, хизматлар) турлари билан шуғулланишларига имконият яратилди. Аҳолини бандликнинг мазкур турлари бўйича меҳнат фаолияти натижасида олган юз миллион сўмгача бўлган даромадлари солиққа тортилмайдиган бўлди. Натижада бугунги кунда мамлакатда ўзини ўзи банд қилганлар меҳнат ресурслари сонининг 10 фоизидан ортиқроғини ташкил этмоқда. Демак, аҳолининг барқарор бандлик ва узлуксиз даромад манбаига эга бўлишлигини янада таъминлаш мақсадида зини ўзи банд қилишни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳада мавжуд муаммолар бартараф этиш, улар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришни янада такомиллаштириш борасида илмий изланишлар олиб бориш ҳамда тегишли чора тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотимиз аҳолининг барқарор бандлигини таъминлаш, норасмий бандликни легаллаштириш ва юқорида даромад топишга эришиш борасида ўзини ўз банд қилишни янада қўллаб-қувватлаш, жумладан, солиқлар воситасида тартибга солиш ва рағбатлантиришни янада такомиллаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, ўзини ўзи банд қилиш борасидаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларга ечим топиш, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича вазифалар белгилаб олинди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни ўрганиш, таҳлил қилиш, таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилиб хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Мамлакатимизда 2024 йил 1 сентябрь ҳолатига, ҳисобга олинган ўзини ўзи банд қилган шахслар 3911952 нафарга етгани

Published: 23.12.2024
Cite this article: Рузиев Ғанишер Усарович (2024). Барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришишда ўзини ўзи банд қилишни янада қўллаб - қувватлаш масалалари. Emro Science and Education, 1(4). https://doi.org/10.5281/zenodo.24320567
© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.


ҳолда, меҳнат ресурслари сонининг 10 фоизидан ортиқроғини ташкил этган. 1-жадвал.

	Ҳудудлар	Жами ҳисобга олинган фуқаролар сони	Шундан,			
			2021 йилда ҳисобга олинган	2022 йилда ҳисобга олинган	2023 йил 1 октябрь ҳолатига ҳисобга олинган	2024 йил 1 сентябрь ҳолатига ҳисобга олинган
	Қорақалпоғистон Республикаси	178 795	44002	61643	91715	89847
	Андижон вилояти	360 003	121549	121777	203537	170488
	Бухоро вилояти	231 408	69432	101571	163675	97960
	Жиззах вилояти	168 416	43388	93992	93619	78381
	Қашқадарё вилояти	398 993	83093	133845	232926	170977
	Навоий вилояти	119 054	47025	68045	74797	49256
	Наманган вилояти	346 685	99467	123245	162349	194180
	Самарқанд вилояти	456 530	182176	237404	296426	169329
	Сурхондарё вилояти	301 338	71856	106989	169389	143111
0	Сирдарё вилояти	106 463	28183	45363	60132	49659
1	Тошкент вилояти	344 865	91618	112511	148239	215764
2	Фарғона вилояти	345 734	132624	150124	205264	152548
3	Хоразм вилояти	203 419	73889	83377	122645	92749
4	Тошкент шаҳри	350 249	122547	164939	162643	161366
	Республика бўйича	**3911952**	**1210849**	**1604825**	**2187356**	**1835615**

1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида ҳисобга олинган (рўйхатдан ўтган) ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисида маълумот[34]

Бу кўрсаткич, бошқа давлатларда 6 фоиздан 52 фоизгача етади. Бугунги кунда дунё мамлакатларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий сонидаги ўзини ўзи банд қилган шахслар сони сезиларли даражада фарқ қилади. 1-расм.

[34] Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган



1-расм. Дунё мамлакатларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий сонига нисбатан ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг улуши[35]

Forbes маълумотларига кўра, ўзини ўзи банд қилувчиларнинг энг катта улуши иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда кузатилмоқда, бу эса аҳолини минимал зарур турмуш даражасини таъминлашнинг бир нечта усулларидан биридир. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бундай фуқароларнинг улуши анча паст. Шунга кўра, мамлакатимизда аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш соҳасидаги муносабатлари давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб қувватланади ва тартибга солинади. Жумладан, ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан шахсдан тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши талаб этилмайди. Аҳолининг ўзини ўзи банд қилишдан олинган юз миллионгача бўлган даромадлари солиққа тортилмайди. 2024 йилдан бошлаб эса, мазкур шахсларнинг ўз-ўзини бандлик фаолиятидан олган даромадларининг 100 млн сўмдан ошган қисми бўйича бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиққа тортиладиган бўлди.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун ижтимоий солиқни тўлаш ихтиёрий бўлиб, меҳнат стажига эга бўлиш учун тўлов йилда бир марта амалга оширилади. Буни биз мамлакатимизда жами рўйхатдан ўтган ўзини ўзи банд қилган шахсларга нисбатан ижтимоий солиқ тўлаётган ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг улушида ҳам кузатишимиз мумкин. 2-жадвал.

	Ҳудудлар номи	Жами ҳисобга олинган фуқаролар сони	Шундан, жорий йилда ҳисобга олинган фуқаролар сони	Жорий йилда тўланган ижтимоий солиқ	
				сони	суммаси (млн.сўмда)
	Жами	**39119**	**18356**	**911473**	**172885,1**

[35] Forbes. https://forbes.ge/number-of-self-employed-people-in-georgia-and-in-the-world.

		52	**15**		
	шу жумладан:				
	Қорақалпоғистон Рес.	178 795	89 847	42 117	11 008,8
	Андижон вилояти	360 003	170 488	103 852	17 383,6
	Бухоро вилояти	231 408	97 960	48 575	9 585,3
	Жиззах вилояти	168 416	78 381	43 137	13 309,5
	Қашқадарё вилояти	398 993	170 977	127 070	12 460,1
	Навоий вилояти	119 054	49 256	22 916	5 872,1
	Наманган вилояти	346 685	194 180	73 407	16 198,5
	Самарқанд вилояти	456 530	169 329	114 899	12 901,7
	Сурхондарё вилояти	301 338	143 111	54 416	11 842,2
0	Сирдарё вилояти	106 463	49 659	21 026	5 288,4
1	Тошкент вилояти	344 865	215 764	80 430	16 190,8
2	Фарғона вилояти	345 734	152 548	87 038	22 009,9
3	Хоразм вилояти	203 419	92 749	45 669	10 074,8
4	Тошкент шаҳри	350 249	161 366	46 921	8 759,4

2-жадвал. Ўзбекистон Республикаси бўйича ўзини ўзи банд қилган фуқаролар томонидан 2024 йил 1 сентябрь ҳолатига тўланган ижтимоий солиқ тушумлари тўғрисида маълумот[36]

Жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, 2024 йил 1 сентябрь ҳолатига жами рўйхатдан ўтган ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг 23 фоизидан ортиғи ижтимоий солиқни тўламоқда.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнларида улар билан боғлиқ айрим муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Жумладан, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг иш берувчига эга бўлмасликларига доир талаблар (Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунинг[37] 35-моддасининг тўртинчи бандига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 806-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-банди номувофиқлиги) ҳамда ижтимоий солиқ миқдорини белгилашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда (Солиқ кодексининг 408-моддасида йилига базавий ҳисоблаш

[36] Ўзбекистон Республикаси Ваазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

[37] Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Аҳоли бандлиги тўғрисида. ЎРҚ-642-сон, 2020 йил 20 октябрь. 36-модда

миқдорининг камида бир баравари миқдорида, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасида эса ушбу миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги тарзида белгиланганлиги) номувофиқликларнинг мавжудлиги, ижтимоий солиқни белгиланган миқдордан кам ёки белгиланган муддатдан кейин тўланган (масалан, 2023 йил декабрь ойида ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтган шахслар сони 173,6 мингни ташкил этган ва уларнинг 70 минг нафари айнан декабрь ойи давомида ижтимоий солиқ тўловини амалга оширган[38]) ҳолларда уларнинг тўловчиларига тегишли йил учун меҳнат стажи ҳисобланмаслиги, шунинг билан биргаликда солиқни тўлаш меҳнат стажига эга бўлишликни таъминласада, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинганлар томонидан ижтимоий солиқ тўлаш даражаси пастлиги кабилардир.

Юқорида келтириб ўтилган ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ муаммолар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар таклиф этилади:

1. Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг иш берувчига эга бўлмаслик талаби ҳамда тўланадиган ижтимоий солиқ миқдорига оид тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидаги ўзаро номувофиқликларни бартараф этиш.

2. Мамлакатимизда давлат пенсияси билан боғлиқ қонунчиликда аҳолига ёшга доир пенсиялар тайинлашда камида 7 йил иш стажи мавжуд бўлишлиги талабидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат стажига эга бўлмаган ўзини ўзи банд қилган шахслар учун йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдоридаги ижтимоий солиқ тўлашни мажбурий этиб белгилаш.

3. Ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан ижтимоий солиқ суммаси белгиланган миқдордан кам тўланган ҳолларда, истисно тариқасида меҳнат стажини тўланган солиқ миқдорига мутаносиб равишда инобатга олиш ёки тўланган суммани солиқ тўловчига қайтаришнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш.

4. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун етарли меҳнат стажига (масалан 6 ойдан 1 йилгача етмаган) эга бўлмаган фуқароларга ўзини ўзи банд қилиш орқали зарур меҳнат стажига эга бўлиш имкониятини яратиш лозим.

5. Ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ тўлаш муддатини ҳисобот йилининг охирига қадар (31-декабргача) белгилаш.

Юқорида келтириб ўтилган таклиф ва тавсиялар ўзини ўзи банд қилиш борасида муаммоларни бартараф этиш, бандликнинг ушбу турида адолатлиликни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кафолатлаш, фаолиятини солиқлар воситасида самарали рағбатлантириш ҳисобига даромад топишини янада қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Аҳоли бандлиги тўғрисида. ЎРҚ-642, 2020 йил 20 октябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2020 йил 8 июнь. ПҚ-4742-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. 2020 йил 23 декабрь, 806-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Парламент сўрови (Ўзини ўзи банд қилиш тартибида меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг айрим

[38] Шу манба

масалалари юзасидан). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2024 йил 10 июлдаги СҚ-949-IV-сонли қарорига илова.

5. Рузиев Ғ.У. Аҳоли бандлигини таъминлашда ўзини ўзи банд қилишни янада ривожлантириш масалалари. “Молия” журнали. 2021 й. №5. 168-181 б.

6. Рузиев Ғ.У. Ўзини ўзи банд қилишни солиқлар воситасида тартибга солишни янада такомиллаштириш масалалари. . “Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil”. 2023 йил, октябрь. №4. 220-230 б.

THE ROLE OF HUMAN CAPITAL ON ECONOMIC DEVELOPMENT

Akhmadkhon Azibaev
Lecturer, Turan International University
ahmadxonazibayev@gmail.com / OrcID: 0000-0002-4431-3151

Abstract. Human capital is a vital driver of economic development, often surpassing natural resources or geographic advantages in significance. This paper examines the role of human capital in economic growth, focusing on education, healthcare, and environmental sustainability as key contributors to the Human Capital Index (HCI). The study highlights the strong correlation between HCI and GDP per capita based on data from developed nations and insights from Uzbekistan’s Development Strategy for 2022–2026. Case studies of countries like Singapore and Germany illustrate the transformative impact of investments in human capital. The paper also explores the contributions of scholars to the understanding of human capital and provides actionable policy suggestions for fostering economic resilience and sustainability.

Keywords: Human Capital Index (HCI), economic growth, education, healthcare, environmental sustainability, economic development, Uzbekistan, GDP per capita, policy recommendations.

Introduction

Human capital is a fundamental factor driving economic development in every nation. In today’s world, it is often valued more highly than natural resources or geographic location. Consequently, countries strive to enhance human capital through improved education and healthcare systems.

The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-60, dated 28.01.2022, “On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026” underscores the significance of human capital in achieving economic sustainability and growth.[39]

According to World Bank data, the Human Capital Index (HCI) strongly correlates with economic development. High-income countries tend to have higher HCIs, and vice versa. [40]

For example, the Human Capital Index (HCI) is measured at 0.75 in Germany, indicating a relatively high human capital investment and development level. This score reflects the country’s strong educational system, robust healthcare services, and overall commitment to enhancing the skills and capabilities of its workforce. As a result, Germany is recognized as one of the most developed countries in the world, characterized

[39] https://lex.uz/docs/-5841063
[40] https://thedocs.worldbank.org/en/doc/64e578cbeaa522631f08f0cafba8960e-0140062023/related/HCI-AM23-HUN.pdf